



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUB XALQATASI

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

2009 йил
2 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 96
(12.212)

www.th.uz

Вилоят ҳокимлигида

АНИҚ ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Вилоят ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унинг ишида бошқарма ва идоралар, вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, "Маҳалла" жамғармаси ҳудудий бўлинмаларининг вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида", "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида", "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорларининг бажарилиши билан боғлиқ масалалар ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлош-профилактика ёрдами ташкил қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Юсуфалиевнинг маърузаси тинланиди ва муҳокама қилинди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг қарорлари вилоятимизда соғлом ва навқирон авлодни вояга етказиш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг такомиллаштириш борасидаги сайёҳатларга янада кенг қўлаб ва суръат бағишлади. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш муассасалари бу қарорларни, белгиланган режа ва дастурларни бажариш борасида бир қатор ишларни амалга ошириди. Утган муддатда туғиш ёшидаги аёлларнинг 90 фоизга яқини тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган беморлар даволанди.

Ҳозирги пайтда қишлоқларда 260 та врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, йиғилишда ҳақли равишда танқид қилингандек, уларнинг 48 таси таъмирга муҳтож. Оқўрғон, Оҳангарон,

Бўстонлик, Паркент, Юқори-Чирчик, Янгийул туманларида таъмирланиши зарур қишлоқ врачлик пунктлари кўп. Паркентдаги Навдак ва Қорақалпоқ қишлоқ врачлик пунктларининг аҳоли, айниқса, ачинарли. Янгийулдаги Пахта қишлоқ врачлик пунктини қуриш уч йилдан буюн пайсалга солинмоқда. Бу йил 12 та ўрнига фақат 5 тагина қишлоқ врачлик пунктида дорихона очилган, холос.

Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Баъзи тез ёрдам машиналари техник носоз. Мавжуд машиналарни ёқилғи билан таъмирлашда ҳам камчиликлар юз бермоқда. Бекобод, Бўка, Чиноз туманлари, Бекобод ва Олмалик шаҳарларида тез тиббий ёрдам фаолиятини яхшилаш мақсадлари учун умуман маблағ ажратилмаган.

Даволаш муассасаларида дори-дармон ва озиқ-овқат учун маблағ ажратишда ҳам нуқсонларга йўл қўйилмаётди. Ангрен шаҳри, Оқўрғон ва Чиноз туманларида диагностика таҳлил хоналарини таъмирлаш ҳануз бошланмаган.

Айни пайтда тиббиёт муассасаларини қиш мавсумига тайёрлаш борасида ҳам ўзибуларчилик ҳолатларига йўл қўйилган. Ангрен, Чирчик шаҳарлари ва Қўйраб тумани тиббиёт биноларида бу жиддий ишга лоқайд муносабатда бўлинган.

Йиғилиш кескин танқидий руҳда ўтди. Камчиликлар рўй-роост тилга олинди, айбдорлар номма-ном айтиб ўтилди. Кўрсатилган барча камчиликларни қисқа фурсатда бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аҳдам Икромов иштирок этди.



ЭНДИ НАВБАТ — ТАРҒИБОТГА



Таъкидландики, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 11, 12-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига 218 номзодни, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 54, Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик пар-

Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси навбатдаги матбуот анжуманини ўтказди.

27
декабрь —
сайловлар кун

ўқитувчилар кўпчилигини ташкил этади. Матбуот анжуманида депутатликка номзодлар рўйхатга олинган, сайлов жараёнининг муҳим босқичи — сайловдод ташвиқоти бошланганлиги қайд этилди. Унда сиёсий қурашнинг ошқора олиб борилиши учун барча депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга матбуот, телевидение ҳамда радиога тенг ва кенг имкониятлар яратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Матбуот анжуманида сиёсий партия етакчилари, туман-шаҳар газеталари вакиллари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Улуғбек ХАМРОКУЛОВ, "Тошкент хақиқати" муҳбири.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.



8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида, маҳалла ва қишлоқларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар давом этмоқда.

Бўка тумани маънавий ҳизмат касб-хунар коллежидида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, Конституциянинг мазмун-моҳияти, ундаги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ҳусусида сўз юритилди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, тарғиб этиш борасида вилоятда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси С. Қўрбонқулов. — Мутахассислар иштирокида ўтаётган бундай тадбирлар ўз самарасини бераётди. Зеро, Асосий қонунимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, мазмун-моҳиятини теран англаш ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай тадбирлар Оҳангарон, Янгийул, Тошкент туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.



Республика Байналминал маданият марказида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, Дўстлик жамиятлари кенгаши ҳамкор-

лигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган "Истиқлол: ислохотлар моҳияти, тараққиёт ва демократия" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

ҚОМУСИМИЗ — МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК КАФОЛАТИ

Анжуманда олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, жойларда миллий йўналишдаги ишларни мувофиқлаштирувчи кенгашлар раислари, маданий марказлар ва маҳалла фаоллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган чет эл дипломатик корпус вакиллари ҳамда маънавий соҳа етакчилари иштирок этди.

Конференция қатнашчиларининг маърузаларида мамлакатимизда Президент Ислам Каримовнинг "Юртимизда тинчлик ва оқсоқилликни асраш, қўп миллатли давлатимизда қарор топган дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, меҳнатқаш инсонга ҳурмат-эҳтиром, жамиятимизда миллати ва динидан қатъи назар, ҳамма учун тенг шароит яратиш — бизнинг олий мақсадимиздир", деган фикрлари яна бир бор ўз ифодасини топди.

Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини кафолатлаган, халқимизнинг барча миллат ва эл-латлар тиллари, урф-одатлари ва қадриятларини ҳурмат қилишдек асрий анъаналарни қонун даражасига кўтарган Конституциямиз жамиятимизнинг бугунги ютуқларга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётгани, 145 миллий-маданий марказ, 16 конфессияга мансуб икки мингдан зиёд диний ташкилот эмин-эркин фаолият кўрсатаётгани ана шу йўлда олиб борилаётган ишларнинг амалдаги ифодасидир. Бу юртимизда бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳи-

ти қарор топгани, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилганидан далolatдир.

Иштирокчиларнинг чиқишларида миллатлараро ва динлараро ҳамкорлигини таъминлаш борасида эришилган натижалар, уларни рўйбга чиқаришда Конституциявий қоидаларнинг ўрни билан боғлиқ масалалар атрофида таҳлил қилинди.

Анжуманда жойлардаги миллий-маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш, маданий марказлар томонидан ўтказилаётган тадбирлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилиниб, келгусидаги режалар белгиланиди.

ЎЗА.

УЛУҒ БОБОМИЗ МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

Париж шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси ва ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, Франция астрономик жамияти ва Париж астрофизика институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Улуғ алломанинг илмий меросига бағишланган халқаро конференцияда қўлаб ҳориқчи мамлакатлардан олим ва мутахассислар, Париждаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Мингдан зиёд юлдуз ҳаракатининг астрономик ҳадвлари — Жизи Қурагонийни яратган, расадхона ва мадрасалар бунёд этган Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган

ўрни, Европада буюк алломанинг илмий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, Мирзо Улуғбек давридаги таълим тизими ҳамда мутафаккирнинг ҳаётига доир маърузалар тинланиди ва муҳокама қилинди. Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида кенг қўлаб ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Мирзо Улуғбек фаолиятининг барча жиҳатларини, илмий меросини чуқур тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилингани ва бу жараён изчил давом этаётгани қайд этилди.

ЎЗА.

Зулфия САТТОВА.

Кучли давлатдан кучли жамият сари



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайлов тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган талаб ва қоидаларга амал қилиб, шу асосда ўзининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Унда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига ҳаракатчан, сиёсий етуқ, ташаббускор кишиларни номзод қилиб кўрсатди.

Партияларнинг ташвиқот материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Вилоят ҳаёти

ЙИЛИГА УЧ МИНГ ТОННА

Зангиота туманида янгидан фаолият бошлаган "Хақима-нур" корхонаси йилига 3 минг тонна гўшти қайта ишлаш қувватига эга.

Бунинг учун корхона 780 миллион сўмлик инвестиция ҳисобидан замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Ҳозирда 30 нафар кишини муҳим иш ўрни билан таъминлаган корхонада ўн турдан ортиқ гўшт ва қолбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Алишер РАҲМАТОВ.

САВОЛЛАРГА МУФАССАЛ ЖАВОБ

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — сайловларга тайёргарлик қизғин тусга кирган айни палларда вилоятимиз туман ва шаҳарларининг ижтимоий-сиёсий наشريлари ҳам бу жараёнларни атрофида ёритиш, аҳолини сайлов қонунчилигига оид билим ва кўникмаларини бойитишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, Ўртачирчиқ туманининг "Машвал" газетаси айни шу муҳим мавзуга бағишланган туркум мақолалар эълон қилмоқда. Шунингдек, "Сайловлар ҳақида: савол ва жавоблар" умумсарлавҳаси остида махсус саҳифа чоп этилди. Унда фуқаролардан келиб тушган турфа саволлар ва мунозаҳаларга сайлов қонунчилиги асосида атрафлиқ жавоблар берилган.

Ўз мухбиримиз.

БИЛИМДОНЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Чорак таътили бошланиши билан ўқувчилар ун қандай ўтказишни ўйлаб бошлашди. Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг таътил кунлари ҳам бемасарар ўтмади. Улар ҳар тонг оқатдагидек, мактабга чиқиб, фанлар бўйича олимпиадаларга қатнашишди.

Нихоят, ўқилар бошланиши билан олимпиада якунлари ҳам эълон қилинди. Ботаника фанидан 6-синф ўқувчиси Зулайхо Аморова, математика фани бўйича эса унинг синфдоши Қодир Муродуллоев ғолиб деб топилди. 5-синф ўқувчилари орасида адабиёт фани бўйича Алишер Қодиров, математика фани бўйича Дилноза Бахриддинова олимпиада ғолиблари бўлишди. Ўқувчиларни мусобақаларга тайёрлашда устозлардан Холита Охунова, Мунира Азимова, Мухаббат Ўлжабоева ва Дониёр Суннатов алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Зулфия САТТОВА.

КЎЛАМЛИ ИШНИНГ САМАРАСИ

Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва унинг жойлардаги тизимлари ўз фаолиятини ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларда белгиланган тамойилларга қатъий риоя қилган ҳолда олиб бормоқдалар.

Экологларимиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги, муассаса ва жамоат уюшмалари билан ҳамкорликда ишлашга интилоқда, бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шунинг учун ҳам эколог

гик жихатдан жуда таъшиш-ли бўлган қатор ҳудудларда аҳоли бир мунча яхшиланди. Шунга қарамай, ҳозирги даврда экологик вазиятнинг чиндан ҳам қалтислигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бундан атиги қирқ-эллик йил илгари вилоятимиз

худудидан оқиб ўтаётган дарё, сой ва ариқларда оқаётган сувни бемалол истеъмол қилиш, рўзгорга ишлатиш мумкин эди. Энди-чи? Саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, кимёлаштиришнинг жадал ривожланиши, табиий бойликлардан чегарасиз фойдаланиш оқибатида табиат манбаларининг экологик ҳолатига жуда катта зарба берилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ташкил этилган биринчи кундан асосий

этиборни минтақадаги экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратди. Шу мақсадда жойларда минтақавий ва туман табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари ташкил қилиниб, мутахассис ходимлар билан таъминланди. Ҳар бирига атроф-муҳитни сақлаш, табиий манбалардан тежамли ва оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ вазифалар юклатилди. Кўмита ташкил бўлгандан кейин ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ях

шиланиб, атмосфера ҳавосига ифлосланувчи моддалар чиқариб ташланиши бир мунча камайди. Бундан қўрилиб турибдики, экологик аҳолини яхшилашда кўмита ва унинг жойлардаги тизимлари ходимлари томонидан олиб борилаётган кўламли ишлар ижобий самара берапти.

Абдукарим АБДУРАХИМОВ,
Тошкент тумани
табиатни муҳофаза
қилиш кўмитаси етакчи
мутахассиси.



Чорвоқда қиш аллақачон бошланган!

ХАЗОН ЁНГАНДА



буглари (НО₂) ҳосил бўлади. Қуриган япроқлар ёки хазон ёниши туфайли ҳосил бўлган тутундан токсин моддалар ажралиб чиқади. Жумладан, 1 тонна ёнаётган ўсимлик қолдигидан 30 кг. углерод оксиди ажралиб чиқади. Агар тўпланган хазон ичига пластик идиш, полиэтилен пакет ёки линолеум қолдиқлари тушган бўлса, улардан тарқаладиган зарар янада хавфли тус олади.

Ўзбекистон табиати ва иқлими ўзига хослиги билан ажралиб туради. Йил фасллари ўз вақтида ва ўз ўрнида тугал гўзалликда кечади. Лекин кузнинг сўнгги, қишнинг бошларида хазон бўлган барглари ерга тўкилади. Аслида улар тўпланиб, кўмиб ташланса кифоя, минерал ўғит бўлиб хизмат қилади.

Бу билан сиз ернинг унумдорлигини оширишга кўмаклашган бўласиз. Агар бунинг иложи бўлмаса, уни ёқиб юбормай, махсус ажратилган жойларга чиқариб ташлаган маъқул.

Шу ўринда хазон ёқиб юбориш оқибатида зарарли моддалар ажралиб чиқиши ва бу қандай оқибатларга олиб келишини эс-латиб ўтиш жоиз. Юқори ҳарорат остида турли органик материаллар (ўсимлик, ҳайвон суюқлари, органик синтез маҳсулотлари) карбонат ангидриди (CO₂), сув


бу билан сиз ернинг унумдорлигини оширишга кўмаклашган бўласиз. Агар бунинг иложи бўлмаса, уни ёқиб юбормай, махсус ажратилган жойларга чиқариб ташлаган маъқул.

Шу ўринда хазон ёқиб юбориш оқибатида зарарли моддалар ажралиб чиқиши ва бу қандай оқибатларга олиб келишини эс-латиб ўтиш жоиз. Юқори ҳарорат остида турли органик материаллар (ўсимлик, ҳайвон суюқлари, органик синтез маҳсулотлари) карбонат ангидриди (CO₂), сув

Дилшод ҚАҲҚОРОВ,
Оҳангарон минтақавий
табиатни муҳофаза
қилиш кўмитаси етакчи
мутахассиси.

Тадиққот

Дунё олимлари муқобил электр энергия манбаларини яратувчи механизм ва машиналарни кашф қилиш ва уни ҳаётга жорий этишга интилоқда. Баъзи ҳолларда бунга эришмоқдалар ҳам. Экологияга зарар етказмайдиган, самарали, айна пайтда маблаг жихатидан мақбул механизм ва ускунани таллаш кун тартибидида долзарб масала бўлиб қолмоқда.



Кўплаб илмий изланишларга қарамай, ҳақонда электр энергиянинг 98 фоизи ҳамон табиий энергия манбалари ҳиссасига тўғри келмоқда. Уларнинг муқобили сифатида шамол кучи, қуёш нури, биомасса (майиш чикинди ва маҳаллий ўғитни ачитиб, газ қўрилишидаги энергияни олиш), геотермо (ернинг табиий ҳароратидан фойдаланган ҳолда, иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш) қабилардан қисман фойдаланилмоқда. Бироқ, асримизнинг охирига бериб сайёрамиздаги нефть захиралари батамом тугаши башорат қилинмоқда. Ҳўш, кейин-чи?

Олимларнинг таъкидлашича, суткада ер юзига тушадиган қуёш нури миқдори сайёрамиздаги барча энергия манбалари миқдоридан кўпдир. Маълумки, баъзи ускуналар қуёш нуридан фотозлементлар орқали электр энергиясига айлантириш имкониятига эга. Аммо улар кечаси ва соя-салқин

кунларда қутилган самара билан ишлай олмайди. Шу боис мутахассислар мазкур табиий энергияни таъминлашга кўмаклашган бўлиб, улар советиш, ёритиш ва авария тизимларини энергия билан таъминлайди.

Бизнингча, қуёш нурининг ноназарчали вагонли ускуналарда ҳосил қилинган электр энергиясини йиғувчи ва сақловчи аккумулятор вазифасини ўтайдиган водород ишлаб чиқарувчи мини заводлардан фойдаланиш мумкин.

Илмий тадиққотларга кўра, 2030 йилга бориб, энергия истеъмоли 90 фоизга ортиши мумкин. Бу экологик аҳолининг янада ёмонлашуви, хусусан ис газини (CO₂) миқдорининг хаддан зиёд кўпайишига олиб келади. Бу глобал исилдан сақлиниб қолмиш учун 2020-2050 йилларда атмосферадаги CO₂ концентрациясини кескин қисқартириш зарур.

Хуллас, экологик тизим тараққиётини таъминлаб, қуёш энергиясини ҳисобига яшашни йўлга қўйиш борасидаги тадиққотларни қучайтириш лозим. Қуёш нури электр энергиясига айлантирувчи уй қўрилишидаги қурилмаларни жорий этиш фермер хўжалиқларида, дала шароитларида катта қулайлик яратиши мумкин.

Абдиназар НУРМАТОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бoshқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютеризацияда терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, СИМОБ!

Кундалик ҳаётимизни техника тараққиёти ютуқларисиз тасаввур қилиш қийин бўлганидек, майиш турмушимизда таркибда симоб моддаси бўлган лампаларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Айниқса, корхоналарда, жамоат жойларида, шифона, мактаб, дам олиш масканлари ва бошқа муассасалар биноларини ёритишда люминисцент лампалардан кенг фойдаланилади. Бироқ, бу лампалар ўз навбатида атроф-муҳитга ва инсонларга кўрсатиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Улар таркибда турига қараб 15-30 мг симоб парлари мавжуд бўлиб, баъзан синиши натижасида ҳар бир лампадан чиқадиган захарли симоб парлари ноҳаддаги юзлаб кишиларни захарлаши мумкин.

Шунинг учун ҳам лампалар таркибидидаги симоб парлари 1-даражали хавфли захарли чикиндилар таркибига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ва амалдаги меърий ҳужжатларга кўра, уларнинг фойдаланиш мuddати ўтган ёки яроқсиз ҳолга келганда, албатта, махсус қайта ишлаш корхоналарига топширилиб, ҳодимлар соғлиғи муҳофаза қилинди.

Шу билан бирга, “Трансформатор”, “Кўмир”, “Интер Рохат”, “Lazzat Qichaj”, “Навоий Интернешнл”, “Резинотехника”, “Saruuna Textiles”, “Ўзкимёсанот-лойиҳа”, “Чирчиктрансформатор заводи” корхоналари бу ишга хануз панжа ортидан қарамолдлар.

Ушбу корхоналар йил охиригача юқорида кўрсатилган ишлатишга яроқсиз лампаларни қайта ишлашга топширмаган тақдирда уларга нисбатан қонунда белгиланган маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилиши мумкин.

А. АБДУХОЛИҚОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси катта инспектори.

Манзара

ҲЕЧ БЎЛМАСА УЛАРНИ ЎЙЛАНГ

Автобуста кетаётган аёлнинг қўлидаги гўдағи бетўхтов йўталади. Бировлар бунга нозирли, бировлар ачиниб қарайди. Аёл атрофдагилардан йиманиб, фарзандини бағрига босади. Ёнида ўтирган мўйсифда гуноҳкорона изох беради:

– Билмайман, яқиндан бошлаб шундай бўлди. Соппа-соғ болам йўталишни бошлади...

Ҳозир ўлкамиздаги довдарахлар барглари сарғайиб, тўқилаётган пайт. Бу – табиий ҳол, албатта. Аммо бунинг иккинчи томони ҳам бор. Шаҳар ва қишлоқларимизда ҳовли, кўча бўйларида ўсган дарахлар барглари тўқлаб, ёқиб юбориш ҳолати учрайди. Бу билан

айримлар аввало, ўзларининг қолаверса, бошқаларга соғлиғига катта зарар етказётганиларини билмайдилар. Ҳолбуки, хазон ёқилганда ҳавога турли захарли газлар тарқайди. Натижада атмосфера ҳавоси бузилади, одамлар турли касалликларга дучор бўладилар. Ваҳоланки, мана шу барг ва хазонлар йиғиштирилиб, улардан ўғит тайёрланса, ерни бақувват қилувчи ажойиб чиринди ҳосил бўлади. Буни мутахассислар алоҳида таъкидламоқдалар ва бу ҳақда телевидениеда ҳам, матбуотда ҳам тўхтовсиз огоҳлантириляпти.

Кўмитамиз ходимлари мана шу масалада туман-

даги корхона ва ташкилотлар, коллежлар, мактаб ва боғчалар, маҳалла фуқаролар йиғинларида йиғилишлар ва давра суҳбатлари ўтказиб, тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Масаланинг айна бир томони ҳам эътибор қаратишини тизини сўрадик: Ўзбекистон Республикаси “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига кўра, фуқаролар атмосфера ҳавосини авайлашлари, унинг ифлосланишига, қамайишига ва унга зарарли таъсир этишига олиб келувчи ҳаракатларни қилмасликлари шарт. Бунга йўл қўйган шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъ-

мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддаси 3-қисмига биноан жавобгарликка тортиладилар ва энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача миқдорда жарима тўлайдилар. Шундай экан, бу борада ўйлаб иш тутган маъқул.

Соғлиқ – энг олий неъмат. Аҳоли соғлигини асраш ва муҳофаза қилиш эса нияҳотда маъсулиятли вазифа. Шу боис, биллиб-билиб бошқалар ҳаётига хавф солманг, барг ва хазонлар ёнишига йўл қўйманг.

Мирза ЭШОНКУЛОВ,
табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг
Куйичирик туман бўлими раиси.